



## БУНЁДКОР ХАЛҚНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ



Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг ўтган даври мобайнида иқтисодий таъминоти яхшироқ бўлиб, барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Бу аҳоли фаровонлиги йилдан-йилга ошишига, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз обрў-эътиборининг тобора юксалишига замин яратди.

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисидаги маърузасида қайд

этилганидек, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 2010 йилда 8,5 фоизи ташкил этди. Айтиш жоизки, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлиб, барча мамнуният ва чексиз

фахр-ифтихор бағишлайди. Зеро, ушбу муваффақиятлар замирида халқимизнинг буюк давлатни барпо этиш, авлодларимизга озод ва обод Ватан қолдириш, мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг

ҳеч кимдан кам бўлмай яшашига эришиши йўлидаги эзгу савий-ҳаракатларимизнинг амалий ифодаси мурасамдир. Эришилаётган ютуқларимизнинг омиллари ҳақида гапирганда, мустақиллик шарофати билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти кенг намоён бўлаётганини, истиқлол берган беқиёс иқтисодий тўғрилиқ эркин ва фаровон келажакимизни ўз қўлимиз билан бунёд этаётганимизни алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Халқимизнинг эртанги кунга, танлаган йўлимиз тўғри эканлигига қатъий ишончи ва шу йўлда собитқадамлиги юксак марраларни забт этишимиз имконини бермоқда. Барча эзгу орзу-интилиш ва ҳаракатларимиз, авваламбор, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш беришга, уни мустақил тараққиёт йўлимизнинг самараларидан баҳраманд этишга қаратилгандир.

(Давоми иккинчи бетда)

### Bag'rikenglik tamoyillari

## Ярашув институти

меҳр-оқибат ва қонунга ҳурмат муҳитини яратаётир

Мамлакатимизда суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган ислохотлар соҳани янсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантирди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айлангани тўғрисида бу борада халқимизга

хос бағрикенглик, кечиримлилик каби қадриятлар устувор аҳамият касб этди. Юртимизда ўлим жазосининг бекор қилингани, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокуратурадан судларга ўтказилгани бутун дунёда улкан қизиқиш уйғотди. Мазкур чора-тадбирлар

нинг жорий этилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг инсонпарвар, либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди. — Айни жараёнда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши улкан аҳамият касб этди, — дейди

Олий суд судьяси Кувондик МАМАРАҲИМОВ. — Мазкур қонун либераллаштириш сиёсатининг муҳим таркибий жараёнларини бошлаб берди. Жиноятларни таснифлаш, жиноий жазо тайинлаш ва уни ўташ қоидаларига жиддий янгиликлар киритилди. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш доираси кенгайтирилди, ярашув институти жорий этилди.

(Давоми учинчи бетда)


Мамлакатимизда барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган кўламли ислохотлар бугунги кунда ўзининг аниқ самарасини бермоқда. Жумладан, суд ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган янгиликлар натижа-сида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

### Islohot va samara

## Тортишув тамойили

у фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати

Дарҳақиқат, жамиятни янгилаш, давлат бошқарувини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини таъминлашда суд ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг аҳамияти катта.



(Давоми иккинчи бетда)

### Huquqiy savodxonlik sari

## МУЛК

у қачон эгасиз деб топилади?

Аввало шуни айтиш керакки, амалдаги қонунларда мулкни эгасиз деб топишнинг ҳуқуқий асослари аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 191-моддасида эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум бўлган ашё — эгасиз ашё ҳисобланиши баён этилган.

Маълумки, ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади. Меросхўрлар вафот этган шахсга тегишли бўлган мол-мулкларга нисбатан васият ва қонун бўйича ворислик ҳуқуқига эга бўлиш мумкин.

Ворислик ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида баъзан мерос васият мажбурияти юклатилган меросхўр вафот этган ёки у меросни қабул қилиб олмаган тақдирда, васият мажбуриятини бажариш учун улушини олган бошқа меросхўрларга ёхуд агар мол-мулк эгасиз бўлиб қолса, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтади.

Агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёки меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Уни Олий суд раиси Б.Мустафоев бошқарди. Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга доир суд ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилгани самарасида бу борадаги ишларнинг кўлами ва самарадорлиги янада кенгайиб, янги босқичга кўтарилгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичида бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш долзарб вазифалардандир.

### Xabar

## Ўзбекистон Республикаси Олий судида



Пленум мажлисида «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги қарор лойиҳаси муҳокама этилди.

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида унинг пул-кредит тизими муҳим ўрин тутди. Бироқ ҳаётда яратилган имконият ва имтиёزلардан самарали фойдаланиб, ҳалол меҳнат қилиб, даромад олиш ўрнига,

ноқонуний бойлик орттириш мақсадида, қонун талабларига зид равишда жиноий йўллар билан даромад орттириш ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари ҳам учрайди. (Давоми иккинчи бетда)

### Munavvar lahzalar

## Улуғ мутафаккирнинг барҳаёт мероси

Ўзбек адабиёти тарихида ёрқин из қолдирган, миллатимиз маънавиятини юксалтиришга бемисл улдуш қўшган аждодларимиздан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бой мероси асрлар ўтса ҳам инсониятнинг кўнгил мулкига айланиб барҳаёт яшамоқда.

Улуғ шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур халқимизнинг буюк фарзанди, миллий фахри ва гурури. Ўзбек мумтоз адабиётининг нодир саҳифаларини ташкил этувчи Бобур шеърини, мана, неча асрли, бизни сەҳралаб, ўзига ошурфта этиб келмоқда.

Бобур ғазаллари асосида яратилган қўшиқлар мусиқа санъатимизнинг хазинасига муносиб улдуш бўлиб қўшилмоқда ва маънавий тафаккуримизни бойитишга хизмат қилмоқда. (Давоми тўртинчи бетда)



Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида суғурта фаолияти субъектларига яратилган кафолатлар тўғрисида уларнинг иқтисодий таъминотини ривожлантиришдаги ўрни тобора ошиб бораётир.

### Yangi qonun mohiyati

## Суғурта бозори

унинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, иқтисодий таъминотини янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, суғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантиришдан туриб амалга ошириш мумкин эмас.

Айтиш керакки, бугунги кунда 2002 йилнинг 5 ап-

релида қабул қилинган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги, 2009 йилнинг 16 апрелида қабул қилинган «Иш бевуралининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги, 2008 йилнинг 21 апрелида қабул қилинган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, 2008

йилнинг 10 сентябрида қабул қилинган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги қонунлар мамлакатимиз суғурта бозорига фаолият юритувчи субъектлар учун ҳуқуқий базанинг етарли даражада шакллантирилганлигидан далolat беради. (Давоми иккинчи бетда)

Xabar

# Ўзбекистон Республикаси Олий судида



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жиноий йўл билан топилган даромад жамиятининг иқтисодийга салбий таъсир қилади ҳамда носоғлом рақобат муҳитини юзага келтиради. Шу сабабли ҳар бир давлат ўзининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, ноқонуний молиявий операцияларга қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ҳамда жиноий йўл билан ортирилган даромадларни давлат эгаллигига олиб қўйиш механизмларини ишлаб чиқиш чораларини кўради.

Бундан ташқари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш — ҳар бир давлатнинг ҳафсизлиги ва барқарорлигига катта ҳавф солиши, мамлакатнинг ривожланишига ва ҳуқуқий тартибга жиддий зарар етказиши, жиноий уюшмаларнинг ташкил топиши, терроризмни маблағ билан таъминлашига олиб келиши мумкин. Мамлакатимизда бундай

хавфнинг олдини олиш мақсадида мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган Коррупцияга қарши курашишга оид конвенциясига қўшилган. Ушбу Конвенциянинг 23-моддасида ҳар бир аъзо давлат жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни — ўзининг миллий



Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг 2010 йилда оид судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга баёнланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.



Йиғилишда давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд тизими олдида қўйилган вазифаларнинг ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

2010 йилда мамлакат умумюрисдикция судлари томонидан оид судловни амалга ошириш, фуқароларнинг қонун билан қўриқланишига манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 292 мингга яқин фуқаролик иши қўриб чиқилди. Фуқаролик ишларининг 89,8 фоизи бўйича ҳал қилув қарорлар чиқарилди, шундан 95,4 фоиз иш бўйича даъво қаноатлантирилди.

Жиноят қонунчилигига киритилган ўзгар-

тиш ва қўшимчалар амалиётда ўз самараларини бермоқда. Ярашув институти амалиётга жорий қилинганидан буён ўтган вақт мобайнида 110 мингдан ортиқ шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди. Шу даврда 92 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 17 минг 175 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги қаноатлантирилган илтимосномалар сони 2010 йилда 2009 йилдагига нисбатан 19,6 фоиз камайди.

Йиғилишда фуқароларнинг судларга мурожаати йилдан-йилга ортиб бораётгани, бу ҳолат уларнинг ҳуқуқий маданияти ва суд орқали ўз ҳуқуқларини тиклашга бўлган ишончи юксалтиришдан далолат бериши қайд этилди. Бу судьялар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Чунки ҳар бир мурожаат замирида инсон тақдирини муҳим ҳисоблаш, фуқароларнинг мурожаатлари қонуний ва ўз вақтида ҳал этилиши суд ҳокимиятининг бўрсуни белгилловчи асосий мезон эканлиги таъкидланди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда судлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар, суднинг бўрсунига путур етказилган ҳолатлар ҳам атрафлиқа муҳокама этилди. Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айни пайтда соҳага оид бир қатор қонуности ҳужжатлари ҳам қабул қилинган бўлиб, улар жумласига Президентимизнинг 2007 йил 10 апрелдаги «Сугурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси сугурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш Дастури»ни, сугурта фаолиятини янада такомиллаштириш, сугурталовчиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтиришга ва сугурта компанияларининг инвестицион жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, сугурта хизматлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида 2008 йил 21 майда қабул қилинган «Сугурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини киритиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг амалда жорий этилиши натижаси ўлароқ бугунги кунда юртимизда «Ўзбекинвест», «Кафолат», «Ўзагросугурта» сингари кўплаб сугурта компаниялари самарали фаолият юритиб келмоқда.

Айни пайтда сугурта бозорини янада ривожлантириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу боис 2010 йилнинг 3 — 4 декабрь кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг 4-ялпи мажлисида «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

қонунининг 15 ва 18-моддаларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун маъқулланди. Мазкур қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, 2010 йилнинг 2 ноябрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган эди. Қонун 2010 йилнинг 17 декабрида матбуотда

сини ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг минтақавий ваколатхоналарини кенгайтириш ва аҳолининг сугурта ташкилотларига бўлган ишончини ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 27 ноябрда қабул қилинган «Сугурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш

қайта ташкил этиш» деб номланувчи 49-моддасида мустаҳкамланган юридик шахсни қайта ташкил этиш, яъни қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш, қайта ташкил этилаётган давр учун ҳамда янгидан тузилган сугурталовчилар лицензия олгунига қадар бўлган даврда улар янги сугурта шартномаларини тузишга, амалдаги сугурта шартномаларини ўзайтиришга ҳақли эмасликлари ҳақидаги, шунингдек, ушбу қонуннинг 18-моддаси «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддаси билан мувофиқлаштириш учун ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилган сугурталовчининг лицензияси қайта расмийлаштирилиши тўғрисидаги меъёрлар билан тўлдирилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу янги қонуннинг ҳаётига таъбиқ этилиши сугурта бозорини фаолият юритаётган сугурталовчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда мамлакатимиз сугурта бозорининг янада ривожланишига хизмат қилади.

**Улуғбек АЛОЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

## Yangi qonun mohiyati



эълон қилинди ва кучга кирди. Ушбу янги қонун «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 15- ва 18-моддаларига қўйиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилди.

**Биринчидан,** сугурталовчилар ва сугурта брокерларнинг сугурта фаолиятини лицензиялаш амалиётини мустаҳкамлаш ҳамда сугурта тизимини ривожлантиришнинг рағбатлантириш, сугурталовчиларнинг моддий-техника база-

қора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор талаблари билан бир хилда қўлланилиши учун «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддаси фақат қайта сугурта қилиш бўйича сугурта фаолиятини амалга ошираётган сугурталовчининг сугурта шартномаларини тузишга ҳақли эмаслиги ҳақидаги талаб билан тўлдирилди;

**Иккинчидан,** Фуқаролик кодексининг «Юридик шахсни

## Islohot va samara

# Тортишув тамойили у фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи сифатида судларнинг фақат қонунга бўйсунганини таъминлаш мақсадида суд тизимини ислоҳ этиш керак. Суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглиги таъминланмоғи учун адвокатлар идораларининг мавқеини ошириш даркор.

Агар амалдаги қонунчилигимизга шу нукта назардан эътибор қаратилган бўлса, Жиноят процессуал кодексидан судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек, ишни юритишда иштирок этувчи барча шахслар Конституция ва қонунларда белгиланган талабларни бажариши ва уларга қатъий риоя этилиши белгилаб қўйилган. Шунини алоҳида таъкидлаш кераки, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида бугунги кунда адвокатура тизимини кучайтириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш, ваколатларини ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш

борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2009 йил 1 январда «Адвокатура институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши адвокатлар фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ушбу қонун қабул қилингандан сўнг Жиноят процессуал кодексининг 46- ва 48-моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Хусусан, айбланувчи ва гумон қилинувчини ўз вақтида ҳимоячи билан таъминлаш мақсадида қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнгирок қилиш ёхуд хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилди.

Бундай ўзгартиришлар ҳимоячиларнинг ҳуқуқлари доирасини ҳам кенгайтириб, уларнинг нуфузини оширди. Масалан, ҳимоя ва айбловнинг тенглигини таъминловчи тортишув тамойилининг амалда жорий этилгани фикримизни исботлайди.

Тортишув — жиноят процессида энг муҳим тамойиллардан бири бўлиб, у томонларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, ҳимоячига айблов томон билан тенг даражадаги далилларни келтириш ва исбот қилиш жараёнида фаол иштирок этиш учун имконият яратди. Ҳимоячиларга берилган имкониятлар сирасига ишга тааллуқли бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш, давлат идоралари ва бошқа идоралар, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар олиш, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни жиноят иши юзасидан

## Muloqot

# Газетхон савол беради...

— Мен мавсумий ишларда ишлайман. Болани парвариш қилиш нафақасини қай тартибда олишим мумкин?  
**Ш.РАЗЗОҚОВА,**  
Когон тумани

— Амалдаги қонунчилик кўра, меҳнат шартномаси (контракт) асосида мавсумий ишларда банд бўлиб, болани парвариш қилиш учун нафақа олувчи шахсларга мавсумий ишларни бажариш даврида болани парвариш қилиш бўйича нафақа мавсумий ишларни бажариш жойидан, мавсумий ишлар тулагандан сўнг (мавсумлардан даврда) эса, яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан муҳтожлигидан келиб чиққан ҳолда умумий асосларда тўланади.

Кейинги мавсумда ишлаш учун меҳнат шартномаси тузилган тақдирда, болани парвариш қилиш бўйича нафақа тўлови ишга чиқиш белгиланган ойдан бошлаб тикланади.

## Etirof

# Бунёдкор халқнинг ойдин йўли

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Буни, маърузада таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизда оилавийнинг узок муддат фойдаланидан истаеъмой товарлари билан таъминланган даражадаги тора ошиб бораётгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, бугунги кунда ҳар 100 оилага ўртача 132 телевизор, 99 ҳолодильник, 18 тадан зиёд кондиционер, 27 тадан ортиқ енгил автомобиль тўғри келмоқда. Бу, авваламбор, халқимизнинг, одамларимизнинг даромади кўпайётгани, фаровонлиги юксалаётганидан далолатдир.

Ўз номинизга эга эканлигимиз, ўзимиз маиший буюмлардан тортиб, машиналарга ишлаб чиқаришга эришганимиз тараққиётнинг «Ўзбек модели» самараси, катта тарихий ютуғимиздир. Бунга мамлакатимиз иқтисодиётида амалга

оширилаётган таркибий ўзгаришлар натижасида эришилмоқда. Мисол учун 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидан санаотнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизга етди.

Президентимиз таъкидлаганидек, бизнинг бу борадаги энг катта ютуғимиз ялпи ички маҳсулот таркибиде кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошганида намоён бўлмоқда. Мисол учун 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи ушбу сектор улушига тўри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди.

Бу мустақиллик йилларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик ривожига катта эътибор кўрсатилгани натижасидир. Бунинг самарасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминловчи, демаски, долзарб ижтимоий вазифаларни ҳал этишдаги муҳим соҳага айланди. Айни пайтда иқтисодиётни изчил ва барқарор ривожлантириш, жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини кафолатловчи омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ҳозирги кунда иш билан банд бўлган аҳолининг 74 фоиздан кўпроғи айнаш шу соҳада меҳнат қилаётир.

Бир сўз билан айтганда, юртимиз давлат ва жамиятнинг бошқариш, халқ фаровонлигини юксалтириш, иқтисодиётни ривожлантириш борасида кўпчилик учун ўрнат бўлаётган мамлакатга айланаётир.

**Муаттархон РҮЗИБОЕВА**

Инсон дили билан тили бир бўлгандагина ҳурмат-эътибор қозонади. Виждонли, ростгўй киши оқин оқ, қорани қора дейди. Ақсинча, фирибгар кимсалар ёлғонни сувдай симиради, ўзининг манфаати йўлида виждонига қарши боришдан ҳам қайтмайди. Шундайлардан бири Фахриддин Тўраев (исм-фамилиялар ўзгартирилди)нинг «фаолият»и тўғрисида бир киши анча сарсон саргардон бўлди.

Халқимизда «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин», деган нақл бор. Дарҳақиқат, киши энг биринчи навбатда, одамийликка путур етказмаслиги, фаолиятини ҳам мана шу мезонга мувофиқлаштириши даркор. Йўқса, Фахриддин олий маълумотли, қолаверса, оилали, уч нафар фарзанднинг отаси. Бундай имкониятга эга бўлган ва зиммасидан шундай масъулият бор киши, шак-шубҳасиз, ҳеч нарсага бефарқ қарамайди. Аммо юқорида келтирилганимиз ҳикमत худди Фахриддин учун айтилгандай эди, чунки у тайинли ишининг бошини тутиш ўрнида бекорчилик билан вақт ўтказди.

Аниқроғи, Фахриддиннинг бекорчи юриши кулай пайт келишини пойлашдан иборат эди. Ниҳоят, 2005 йилнинг декабрь ойида унинг кутгани келди.

Гап шундаки, Фахриддин Денов шаҳрида истиқомат қилувчи Моҳигул Аҳмадованинг Тошкент шаҳридан сотиб олиш учун ўйлаётганини орқаворотдан эшитиб қолди. Шундан сўнг Фахриддиннинг пайтавасига қурт тушди. Аёлининг бойлигини қўлга киритиш мақсадида унинг эшиги остонасида пайдо бўлди. Аввалдан таниш бўлганлари учун Моҳигул Фахриддинни илқ қарши олди. Бундай муноса-

батдан фойдаланган Фахриддин мақсадга кўча қолди:

— Моҳигул опа, эшитишимга қараганда, сиз Тошкентдан ўй сотиб олмақчи экансиз. Аммо шаҳарнинг чеккароғидан уй танлабсиз. Унинг устига қимматга олаясиз. Менинг шаҳар марказида уч хонали уйим бор. Опа, бегона бўлма-син, сиз сотиб олинг шу уйни. Нарҳини ҳам келишимиз-да, ҳурматингиз бор, сизга арзонроқ бераман...

Шу тариқа Фахриддин Моҳигулнинг оғиз очгани қўймай гапирaverди-гапирaverди. Натижа эса худди у кутганидай бўлди: Моҳигул уйлаб ҳам ўтирмай унинг таклифига рози бўлди.

## Ehtiyot bo'ling, firibgar!

# Ошкор бўлган

Бу сўхбатдан сўнг улар тез орада Тошкентга жўнашди. Фахриддин йўлда ҳам уй ҳақида тўтидек сайради. Аслида, у Моҳигулга «сотмоқчи» бўлаётган уй марҳум Фариди Имомжўвавага тегишли эди. Уйга кирганлардан сўнг Моҳигул нарҳини сўради.

— Опажон, сиз 18.000 АҚШ долларига уй сотиб олишни ният қилган экансиз, майли, шу нарҳнинг ўзига сизга сотганим бўлсин.

— Аммо уйингиз анча таъмирталарек экан, — деди Моҳигул ўйлаб-роқ,

— Сиз бугундан хавотир олма-нган, ўзим уйни тўлиқ таъмирлаб бераман.

Bag'rikenglik tamoyillari

# Ярашув институтининг меҳр-оқибат ва қонунга ҳурмат муҳитини яратаётир

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Аниқроқ айтганда, амалдаги Жиноят кодексига «Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш» деб номланган 66<sup>1</sup>-модда киритилди.

Ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс, жабрланувчига etkazилган зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда, жиноий жавобгарликка тортилмайди. Мазкур институтнинг самардорлиги ҳамда халқимизнинг раҳмдиллиги ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди.

2004 йил 27 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунга мувофиқ, ярашув институтининг таркиби кенгайтирилди. Бунгача ярашув 26 турдаги жиноятга нисбатан қўлланилган бўлса, янги қонун асосида яна тўртта модда ушбу тоифага киритилди. Мазкур қонун қабул қилинганга қадар ярашув институтини муқаддам судланган, судланганлик ҳолати қонунда белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган шахсларга нисбатан жорий этилиши мумкин эмасди. Қонундаги бу чеклашлар ярашув тўғрисидаги ишларни юриштишда анча муаммо ва эътирозларга сабаб бўлаётганди. Қонун асосида бу чеклашларга барҳам берилди. Фақат оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсларга ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди.



бу каби кенгайиб боришининг сабаби, албатта, унинг жиноят ишлари тезкор ва самарали тарзда ҳал қилинганлиги бўлиши билан боғлиқ. Зеро, бу институт — жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга, жиноий жавобгарликдан озод этиш принциплари

**2001 йилда ярашув институтини 1,1 минг нафардан ортиқ шахсга нисбатан қўлланилган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб, 15,7 минг нафарни ташкил этган. Ушбу институт амалиётга жорий этилгандан буён эса 110 минг нафардан ортиқ шахс бу инсонпарварлик таъминидан баҳраманд бўлди.**

кўпроқ қўлланилишига имкон яратди.

Ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки тергов, шунингдек, суд муҳокама-сининг иштироки билан содир этиб, судланганлик ҳолати тугалланмаган ва олиб ташланмаган шахслар ҳам ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

2005 йил 31 декабрда қабул қилинган қонун асосида ярашувга оид ишлар доираси яна биттага кенгайтирилган бўлса, 2009 йил 3 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги қонун асосида яна ўн битта жиноят таркиби бўйича ярашув қўлланилиши муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш мумкинлиги қонунан мустаҳкамланди.

Ярашув институтининг доирасининг

итда ярашув институтини фуқаролар жонига оро қиради.

Масалан, ўзаро келишмовчилик оилада келиб чиқса ва бунинг оқибати ярашув билан тугаши, айниқса, қувонарли ҳол. Бир фуқаро айтган ишнинг қилмаи, гап қайтаргани учун турмуш ўртоғига қўл кўтариб, ёнги тан жароҳати етказиши. Бунинг учун у албатта, қонунга мувофиқ айбондан бартараф этилган, ярашганлиги муносабати билан ишнинг тугашини сўраган. Талаб инобатга олиниб, оила сақлаб қолинди.

Ярашув — шахсларнинг жамиятда тугатган ўрнини сақлаб қолиш, оиласидаги муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслик ва жавобгарликка тортиш натижасида келиб чиқадиغان ҳуқуқий оқибатларнинг олдини олишга замин яратяпти. Бундай ҳолатлар аксинча тус ола, бу оила муҳитига, фарзандлар маънавиятига қанчалик салбий таъсир кўрсатишини тасаввур қилиш қийин эмас. Шу боис ярашув институтининг жо-

рий этилиши одамлар, айниқса, яқин кишилар, кўни-қўшиллар ўртасида келиб чиқадиغان келишмовчиликни муроса-ю мадора йўли билан ҳал этишда муҳим восита бўляпти. Бу эса қонунларимизда одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари тобора кўпроқ намоён бўлаётганининг яққол далилидир.

Ярашув жамиятда судланганлик ҳолатини қамайтирибгина қолмай, унинг узок давом этадиган оқибатларини бартараф қилиш имконини бераётир. Қолаверса, айбон иқроқ бўлиши рағбатлантираётган бу самарали ҳуқуқий институт ортиқча суд-тергов ҳаракатлари ва бу билан боғлиқ ҳаракатларга барҳам бериб, жараёни тезлаштириш ва соддалаштиришга йўл очмоқда.

Судлар томонидан жиноят содир этган шахсларга нисбатан ярашув институтини татбиқ этиш ҳоллари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Биргина 2001 йилда ярашув институтини 1,1 минг нафардан ортиқ шахсга нисбатан қўлланилган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб, 15,7 минг нафарни ташкил этган. Ушбу институт амалиётга татбиқ этилаётганидан буён эса 110 минг нафардан ортиқ шахс бу инсонпарварлик тамойилидан баҳраманд бўлди.

Айтиш кераки, либераллаштириш сиёсати ижтимоий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамиятини шакллантиришга ўз ижобий таъсирини кўрсатаётир. У жамиятда кишилар ўртасидаги ўзаро ишонч, тотувлик ва қонунга ҳурмат руҳини мустаҳкамлади. Бундан ташқари кўллаб одамлар тақдирда ижобий мазмун касб этди. Уларга жамиятдан, оиладан ажралмаган ҳолда тузалишга, ахлоқдан покла-нишга имкон берди.

Ярашув институтини халқаро ташкилотлар томонидан тан олинган бўлиб, бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларда ва тавсияларда ўз ифодасини топган. Жумладан, 1995 йилда қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ювенал юстициясининг минимал стандартлаштириш тўғрисидаги ўн биринчи Низоми ва 1987 йилда қабул қилинган 20-сонли Европа Кенгаши тавсияларида кўрсатиб ўтилган.

Дунёнинг ривожланган давлатлари суд амалиётида тўлиқ синовдан ўтган, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятида инсонпарварлик ва адолат тамойилларига батамом мос келадиغان ярашув институтини юртимиз тарихида ҳам кенг қўлланилган. Бунда жиноят содир этган шахс жабрланувчига тавон тўлагани учун жабр қўрган тараф уни кечириб, айбдорни жазодан озод қилишни талаб қилишга ҳақли бўлган. Жумладан, Бурҳонидин Марғиновичнинг «Хидоя» аса-рида тавон ҳақи жазо сифатида қўлланилгандан сўнг уни айбдор уч йил мобайнида тўлаши лозим, деб кўрсатилган.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизга хос бўлган бағрикенглик, кечиримлилик каби тамойилларнинг истиқлол шарофати ила қонунларимизда акс эттирилгани фуқаро-ларимизни фақат эзгуликка бошла-моқда.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**  
журналист

Huquqiy savodxonlik sari

# Мулк

## у қачон эгасиз деб топилади?

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Мерос мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган қондан эътиборан бир йил ўтгандан кейин суднинг қарори асосида эгасиз деб топилади. Мерос мол-мулк, агар уни кўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ ҳаракатлар унинг қийматидан ошиб кетса, кўрсатилган муддат ўтишидан олдин ҳам эгасиз деб топилиши мумкин.

Эгасиз мол-мулк у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтади, бу орган мол-мулдан воз кечган тақдирда, давлат мулкига ўтади. Эгасиз кўчмас ашёлар тегишли давлат органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ари-засига мувофиқ кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатига олувчи орган томонидан ҳисобга олинган.

Эгасиз кўчмас ашё ҳисоб-

га олинганидан кейин уч йил муддат ўтгач, давлат мол-мулкни бошқаришга ваколати бўлган орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бу ашёни давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига кирган деб ҳисоблаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиши мумкин.

Мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш суд тартибида ҳал этилади. Бу ҳақида ариза бериш тартиби Фуқаролик процессуал кодексининг 298-моддасида бел-гиланган бўлиб, унга кўра, мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш ҳақидаги ариза молия органи ёки бошқа ваколатли орган томонидан мол-мулк (ашё) турган жойдаги судга берилади. Аризада қайси мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш лозимлиги кўрсатилиши, шунингдек, мол-мулк (ашё) эгасини белгилашнинг им-конини йўқлигини тасдиқлов-чи далиллар келтирилиши керак.

Суд бундай туркумдаги

ишларни кўришда аризада кўрсатилган талаб асосида мулк эгасини аниқлашга қаратилган ҳаракатлар, тўп-ланган далиллар, ишботлаш воситаларига аҳамияти бери-ши лозим.


Шу сабабли суд энг ав-вало, мол-мулк (ашё) кимга тегишли эканлиги тўғриси-да маълумот бериши мум-кин бўлган шахсларни (мол-мулкнинг (ашёнинг) мулк-дорлари, унга амалда эгалик қилиб турганлар, қўшиллар ва бошқаларни) аниқлайди, бундан ташқари фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш органиларидан мол-мулкка доир мавжуд маълумотлар-ни олади.

Суд мол-мулкнинг (ашё-нинг) мулкдори йўқ ёки но-маълум деб топса, мол-мулк-ни (ашёни) эгасиз деб то-пиш ва уни давлат мулкига ўтказиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаради.

**Р.ҒУЛОМОВ,**  
фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг судьяси

Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар туфайли барқарор ва ишончли молия-банк тизими шакллантирилади. Мамлакатимизни модернизация қилиш, бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш жараёнида бу тизимни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Зеро, банк-молия соҳаси-га хусусий капитални жалб этиш банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорига рақобатнинг кенгайиши ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг оши-шига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади.

Faoliyat



**ORIENT FINANS BANK**

# Мижозларнинг ишончли ҳамкори

Мамлакатимизда соҳага бўлган ана шун-дай эътибор натижасида банк тизими барқ-арорлиги мустаҳкамланиши борасида хизмат кўрсатиш кўлами кенгаймоқда. Янги банк-лар ташкил этилмоқда. «Orient finans» хусу-сий ёпиқ акциядорлик тижорат банки ҳам мамлакатимиздаги энг ёш ва шунга қарама-дан молия бозорига ўз ўрнини тез топиб бораётган тижорат банкларидан биридир.

Мазкур банк мамлакат молиявий-иқтисо-дий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшишни ҳамда иқтисодиётининг реал секторини қўллаб-қувватлашни мақсад қилган. Банк фа-олиятининг асосий йўналиши ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳамда йирик ин-вестицион лойиҳаларни молиялашдан ибор-ат.

Банк акционерлари ва бошқарувининг асосий мақсади Ўзбекистонда замонавий ва молиявий мустаҳкам молиявий ташкилоти-ни шакллантиришдир. Шу боис аҳоли ва ҳўжалик субъектларига банк хизматларини кўрсатишда аниқ стратегик йўналишларни белгилаб олган ҳолда фаолият юритмоқда.

Хозирги кунда банк томонидан 2011 йил-нинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбир-корлар йили» деб эълон қилиниши муно-сабати билан миллий иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришдаги улшини ошириш мақсадида ресурсларни шакл-лантиришда жадал ишлар олиб боришмоқ-да. Мижозларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан кенг қамровли кредит сиёсати ишлаб чиқилган. Кредит сиё-сати иқтисодиётнинг реал сектори ҳисоб-ланган ҳўжалик юритувчи субъектларга иш-

лаб чиқаришни модернизация қилиш, уларни замонавий техник ва технологик жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда ўз айлан-ма маблағларини тўлдиришга кредитлар аж-ратилиш, бундан ташқари жисмоний шахсларга уй-рўзгор буюмларини харид қилиш, олий таълим муассасаларининг тўлов-шартнома асосида ўқиётган талабаларига ўқуш учун тўловни амалга ошириш ва уй-жой сотиб олиш — ипотека кредитлари ажратиш каби масалаларни қамраб олади.

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябр-даги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига белгиланган вази-фаларнинг ижросини таъминлаш мақсади-да банк томонидан бир қатор дастур ва лой-иҳалар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, аҳоли ва ҳўжалик субъектларининг талаб-ларидан келиб чиққан ҳолда янги турдаги омонатларни жорий этиш, нақдсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ажрати-ладиган кредитлар ҳамжини ошириш юза-сидан изчил ишлар олиб боришмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширила-ётган бу каби чора-тадбирлар мамлакатим-из иқтисодиётини ривожлантиришга, аҳоли фаровонлигини янада мустаҳкамлаш-га хизмат қилади.

**Илҳом ТУРСУНОВ,**  
«Orient finans bank» кимматли қоғозлар ва газначилик бошқармаси бошлиғи

Maslahat

# Истеъмолчи ҳуқуқи

## у қонун билан кафолатланган

«Истеъмолчилар-нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғри-сида»ги қонуннинг 14-моддасига муво-фиқ, истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқаришига, тузили-шига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқ-арувчи) уни айнан шундай маркази (моделли, артикулли) товарга етти кунлик муддатда, товар си-фатини қўшимча равишда текшириш зарар бўлганида эса,

истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эъти-боран йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт. Айнан шундай маркази (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда,

истеъмолчининг ал-маштириб бериш хусусидаги талаби даъво қилинган пайт-дан эътиборан бир ой ичида қондирилиши керак. Товарлар вақти-вақти билан олиб бориладиган

жойларда истеъмол-чиларнинг бундай талаби, ушбу жойлар-га навбатдаги товар етказиб бериш учун кетадиган муддат ичида, лекин икки ойдан кечиктирмай қондирилиши лозим.

Ана шу муддатларни ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаш-тирилган товарни бериш билан бир вақтда товар баҳоси-нинг бир фоизи миқдо-рида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчининг розилиғи билан со-тувчи нуқсонли то-варни бошқа маркази (моделли, арти-кулли) шундай товар-га алмаштириб бериб, харид нарҳини теги-шинча, қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

# Фирибгарлик

Уйнинг калитини қўлига олган Моҳигул Фахриддинга 19.000.000 сўмни санаб берди. Ф.Тўраев эса ишлари юришиб кетганидан ич-ичидан мамнун эди. У 2006 йил январь ойда қолган 3.500.000 сўмни ҳам М. Аҳмадовдан фирибгарлик йўли билан қўлга киритди.

Фирибгарликни касб қилиб олган бу кимса ёлғонни сувдай си-мириб Моҳигулдан яна уйнинг таъмири учун 3.000.000 сўм ола-ди. Аммо ҳалол йўл билан топи-маган пулнинг баракаси бўлма-ганидек, Фахриддин ҳам кўп ўтмай олганларининг бошига суя қўяди. Шундан сўнг яна «синашта ми-

жоз» Моҳигул Аҳмадованинг рўпа-расида пайдо бўлди. У бу гал М.Аҳмадовани ўзининг ваколати-га кирмайдиган вазифа — Тош-кент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтишга ёрдам беришга ишонти-ради. Бунинг учун эса «атиғи» 3000 АҚШ доллари сўрайди.

Орадан бир-бирини қувлаб ойлар, сўнг йиллар ўтади. М.Аҳ-мадова фирибгарнинг тузоғига илинганини англаб етганида Фах-риддин билан уй масаласида илк бор галлашганига нақ тўрт йил бўлганди. Қисқаси, шундан сўнг Моҳигул Аҳмадова тегишли идо-раларга мурожаат қилди. Шу тариха Ф.Тўраевнинг қонун-



га зид қилмишлари фож этилди. У суд олдида ўз қилмишлари учун жавоб берди. Ф.Тўраевга қонун-да белгиланган тартибда жазо тайинланди. Азиз газетхон! Юқорида баён этилган воқеалар ҳар биримизга тегишли. Гарчи Ф.Тўраев жазоси-ни олган, М.Аҳмадовага етказил-

ган зарар қопланиши бел-гиланган бўлса-да, аммо ушбу масаланинг моҳияти-га диққат билан назар со-ладиган бўлсак, лоқайд-лик, бепарволик, ҳуқуқий маданиятнинг етишмасли-ги каби нуқсонлар фирибгарнинг тегириғини суя қуйганини англаб етиш қийин эмас. Бу эса, агар-да, ҳушёр бўлмасак, ҳуқу-қимизни ўрганмасак, биз ҳам фирибгар кимсалар томонидан алданиб қоли-шимиз мумкинлигини кўрсатади. Ахир, халқимиз бежиз-га «Узингга эҳтиёт бўл, қўшинингни ўғри тутма», деб айтмаган.

**Нурулло БОБОЖАНОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Денов тумани судининг раиси  
**Урол АБРАЕВ,**  
Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси

Giyohvandlik — asr vabosi

# Эгри йўл бошни эгади

Бугунги кунда гиёҳвандлик балоси инсоният ҳаётига жиддий таҳдид солаётган хавф экан-лигини жаҳон афкор оммаси эътироф этмоқда.

Суд очерки

Энг ёмони, гиёҳвандлик чегара билмайди, худуд танламайди, ёшу қарини фарқламайди. Бу оғуни истеъмол қилиш инсон орга-низмига қаттиқ салбий таъ-сир қилиши, иммунитет ти-зимини ишдан чиқариши, ҳимматини эса гиёҳванд-руҳан оғиз қилиб қўйиши табобатда исботланган.

ни издан чиқариб юбора-ди.

Албатта, келажакка бе-фарқ қарамайдиган ҳар бир жамият бу таҳдидга ўзининг қатъий муносабати бил-диради. Шу маънода гиёҳ-вандликка қарши кураши-нинг халқаро ҳуқуқий асо-слари яратилган, бу иллат-нинг аянчли интиҳоси ҳақида тарғибот ва ташви-рот ишлари олиб бориш-моқда.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

Munavvar lahzalar

Улуғ мутафаккирнинг барҳаёт мероси

(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

«Бобурнома» эса ўз даврининг қомусий манзараларини саҳифаларида жо этган буюк бир ёзма обиди сифатида умминсоният маданияти хазинасидан шарафли ўрин эгаллади.

Улуғ шоир ва давлат арбоби Бобур ҳаётида синови, қайгули ва қувончли кунлар кўп бўлди. Шоир ҳар қандай шароитда ҳам иймон юксаклигига, руҳиятининг баркамоллигига, қалбидидаги дилбар ҳис-туйғуларига доғ туширмай асради. Унинг ана шундай бой ички дунёси шеърларида бўзал ташбехлар орқали, юксак бадиий шаклларда ўз ифодасини топди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий ўзлигимизни англаш, бебаҳо меросимизни тиклаш, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг ижодий меросини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу кунларда улуғ шоир ва саркарда Заҳриддин Мухаммад Бобур таваллудининг 528 йиллиги кенг нишонланаётгани ҳам буни яққол исботлаб турибди.

Бобур номидаги халқаро жамғарма аллома ҳаёти ва ижодини мукамал ўрганишда бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Жамғарма ташаббуси билан Бобур ва бобурийларнинг бебаҳо маданий мероси, уларга оид қимматли манбаларни ўрганиш, бобурийлар сулоласи тарихи ва маданияти ҳақидаги қимматли илмий ва бадиий асарларни юртимизга олиб келиш буйича салмоқли ишлар бажарилди.

Мазкур жамғарма мутахассисларнинг маълумотига кўра, хорижий мамлакатларга юштирилган ўндан ортик илмий экспедициялар натижасида жамғарма хазинасига «Бобур ва жаҳон маданияти» музейида 300 га яқин нодир қўлёзма асарларни тўплашга муяссар бўлинди. Улар орасида «Бобурнома»нинг испан тилидаги таржимаси, Бобур мумтоз асарини Хайдаробод нусхасининг фотофаксимал

нашри алоҳида ўрин эгаллади.

— Бобур ўз даврининг тарихчи-си, этнографи, ўлкашуноси, биологи, географ ва диншуноси сифатида ҳам маълум ва машҳурдир, — дейди филология фанлари доктори, профессор Ҳасан Қудратиллаев. — У давлатчиликда вақт меъёрларини қайта ишлаб чиққан, почта тизимига қулай тарзда тартиб берган ва бошқа жамият учун фойдали кўплаб ислохотларни ишлаб чиққан буюк шахсдир.

Бобурнинг ана шундай сермазмун ҳаёти ва ижодини ўрганиш тарихи узок замонларга бориб тақалишни, бу йўналишдаги илмий изланишлар дунёнинг турли мамлакатлари мутахассислари диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келганини таъкидлаш жоиздир.

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, бундан қарийб уч аср муқаддам француз шарқшуноси Бартоламе Эрбало Моленли «Шарқ кутубхонаси» қомусида Бобур тўғрисида илк бор француз китобхоналарига маълумот берган эди.

1705 йилда эса «Бобурнома» Европа тилларидан биринчи бўлиб голланд тилига таржима этилди. 1871 йил бобуршунос Паве де Куртейл томонидан француз тилига ўгирилган «Бобурнома» таржимаси илм аҳлига манзур бўлди. Чунки бу таржима асл нусхасидан таржима қилинган ва мукамаллиги жиҳатидан бошқа манбалардан ажралиб турар эди. Шу боис бу нашр Францияда катта шўҳрат топди ва китобхоналарнинг хурмати-ни қозонди.

Бобуршуносликни ривожлантиришга инглиз шарқшунослари ҳам катта улуш қўшган. Инглиз олимларининг бу йўналишдаги изланишлари туфайли 1826 йилда «Бобурнома»нинг Европадаги биринчи тўлиқ таржимаси дунё юзини кўрди. Инглиз олими Ф.Тэлбот ҳам «Бобурнома»нинг биринчи инглизча таржимаси асосида қисқартирилган нашрини чоп эттирди. Олим мазкур нашрга ёзган сўзбошида «Бобурнома»нинг аҳамияти ҳақида шундай дейди: «Хозирги Хиндистонни ўрганмоқчи бўлган одам ишни, энг яхшиси, Бобур хотираларини ўрганишдан бошлагани маъқул». Тэлбот наш-



рининг аҳамиятини кўрсатиш учун бир фактни келтириш қиёфа қилади: ушбу асарни ҳинд тили ва бошқа бир қатор Хиндистондаги тилларга таржима қилиш учун «Бобурнома»нинг айнан ушбу нашри танланган.

Бобур меросини ўрганишга бугунги кунда ҳам эътибор ва қизиқиш ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда хорижий мамлакатларда бобуршунослик соҳасида амалга оширилган ишлар қаторида «Бобурнома»нинг хитой ва турк тилларида нашр этилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу зотнинг муборак номи нафақат юртимизда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳамон катта ҳурмат билан тилга олинади, унинг ўлмас мероси тадқиқ ва та-

риб этилади. Мамлакатимиз ва чет элларда Бобурнинг бой мероси буйича қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда, ўлмас асарлари ва у ҳақида китоблар чоп этилмоқда.

Жаҳон маданияти ва цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшган бобурийлар сулоласи ҳақида дунёнинг қатор мамлакатларида турли вақтларда ўнлаб илмий ва бадиий асарлар яратилган. Ана шундай асарларнинг энг сара намуналари билан жамоатчиликни таништириш борасида муаян ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда Бобурнинг қизи Гулбаданбегим ҳақида инглиз адабиёти Румер Годен ёзган «Гулбадан» асарининг ўзбек тилидаги таржимаси ўқувчиларга тақдим этилди.

Қамчибек Кенжанин «Анджондан Бағдогача» сафарномаси ҳам бугунги бобуршуносликда муҳим изланишлардан бири ҳисобланади. Жамғарма ташаббуси билан ўзбек олимлари ва рассомларининг ижодий изланишлари самараси ўлароқ, «Мовароуннахр, Хуросон ва Хиндистонда ҳукмронлик қилган темирйуллар шаҳараси» тайёрланди. Унда 30 дан ортик темирйул ҳукмдорнинг сурати, ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар замонавий дизайн асосида талқин этилган. Шунингдек, кейинги йилларда нашрдан чиққан «Бобурнома» учун қисқа изоҳли лўғат» китоби ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг Шарқ мамлакатлари бўйлаб юштирилган сафарлари давомида заминимиздан етишиб чиққан Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Аҳмад Фароний, Абу Мусо ал-Хоразмий, Лутфий, Алишер Навоий, Али Қушчи, Хусайн Бойқаро, Камолитдин Бехзод каби буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва бой илмий-маданий меросига оид кўплаб маълумотлар тўпланди.

Бобур Мирзо қаламига мансуб «Муслик сирлари», «Ҳарб иши» асарлари, шунингдек, «Бобурнома»нинг йўқолган баъзи қисмлари ҳозирга қадар топилмади. Уларни ва шу мавзуга доир бошқа ноёб қўлёзмаларни топиш, юртимизга олиб келиш ва ўрганиш Бобур халқаро экспедициясининг муҳим ва долзарб вазифаларидандир.

Заҳриддин Мухаммад Бобур бир умр она Вананини севиб, соғиниб, юртига интилиб яшайди. «Бобурнома»да «Бизнинг эҳтимолимиз ул сарилар бориққа беҳад ва бегоятур», — дея ҳамшиа она юртига талпинди. Бироқ, бевафо умр унинг бу ниятларини рўёбга чиқаришга имкон бермади. Бироқ, шоир бетакрор шеърлари, бой маънавий мероси билан юртдошларининг қалбидан чуқур жой эгаллади. Унинг барҳаёт мероси инсониятни қомилликка етаклашга хизмат қилмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА, журналист

Siri dunyo

«Ўзиюрар» машиналар

Дунёда мўъжизалар, гаройиб воқеалар кўп.



Транспорт воситалари моторининг ўз-ўзидан ишга тушиб, юриб кетиши ана шундай гаройиб воқеалар сирасига қиради. Олимлар бундай воқеаларнинг сир-асорини ҳали-ҳамон очишолмаган.

1986 йили Фредиксбургда (АҚШнинг Виржиния штати) автохаваскор Перси Труслоу яқин орадаги дўконга харид қилиш учун кирганида унинг йўл четида турган машинаси ўз ўзидан катта йўлда соатига эллик километр тезликка юриб кетди. Ёқилгиси тугамагунча машина юришдан тўхтамади.

1986 йилнинг 24 декабрида «Бугун жаҳонда» телекўрсатувидида АҚШдан олинган шундай кадрлар намойиш қилинди: бўм-бўш автобус кўчада соатига 40 километр тезлик билан орқасига юриб кетмоқда. 1988 йилнинг 25 августидида яна ўша Америкада автомобиль айланма йўлда соатига 30-40 километр тезликка юриб турган. Полициячилар унинг йўлга ўз машиналарини қўндалан қўйибгина тўхтатиб қолишган.

Темирйул транспортда ҳам шундай воқеалар кузатилган. 2002 йилнинг 24 декабрида Санк-Петербургда вокзалда шундай гаройибот рўй берганди. Яқиндагина жорий таъмирдан чиқарилган электр-ка мотори ўз-ўзидан ишга тушиб, поезд соатига 50 километр тезликка юриб кетди ва йўл охиридаги тўсиққа урилади. Олдинги икки вагон перронга қулаб тушди. Бахтга қарши шу лаҳза перронда йўловчилар гавжум эди. Уларнинг айримлари кутилмаган фалокатдан ўзларини четга олиб улгурмайдилар. Натижада тўққиз киши жароҳатланди, улардан тўрт нафари қўрбон бўлди.

Волгограддаги темирйуллардан бирида кўп поездининг машинисти ўз ўрнига келиб ишни қабил қилиб олиши лозим бўлган шериғини олти соат кўриб чарчаган, локомотивни тарк этиб, ваҳтани қачон топириши мумкинлигини билиш учун чиқиб кетди. Унинг ёрданмаси бу маҳал ушлаб қолганди. Шундан кейин, поезд эгасиз қолганини сезгандек, ўз ўзидан юриб кетди. Натижада айрим техника воситалари ишдан чиқди, цистерна ағдарилди. Тўқнашгани муқаррар бўлган йўловчи поезди бир дақиқа кечроқ йўлга чиққани учунгина фалокатнинг олди олинди.

2001 йил 24 июлдан 25 июлга ўтар кечаси «Новосибирск — Главному» вокзалда турган электропоезд ҳайдовчи ўз хонасини тарк этиши ҳамон юриб кетди. Унга вогондан иборат бўлган поезд тезликни ошира бориб, Об дарёсидидаги темирйул кўприги томон ҳаракатлана бошлади. Яхшиямки, электр-ка депога бориши лозим бўлгани учун унда йўловчилар йўқ эди. Диспетчер ўзини йўқотмайди, «қочоқ» электр-канинг асосий йўлдан тўсиқли йўлга буриб оборади, натижада поезд махсус тўсиққа урилади. Тўртта вагон йўл бўйидаги дўкончани мажаклаб, рельсдан чиқиб кетди.

Моторнинг ўз-ўзидан ишлаб кетиши фақат автомобиллардагина эмас, самолётларда ҳам учраб туради. 2002 йилнинг 16 июлида Австралининг Дарвин шаҳридаги аэропортда «Цесна — 182» маркали енгил моторли самолёт учувчиси кабинадан чиқди. Шу лаҳза самолёт учувчини кутгани келмай, учини-қўшни йўлкаси бўйлаб ҳаракатлана бошлади. Ҳарқалай, самолёт учинишга «улгуролмайди» — йўлида учраган учта самолёт билан тўқнашган, мотори ўчиб қолади. Кабинада ўтирган учта болақай бахтли тасодиф туфайли азият кечмади.

2001 йилнинг 27 декабрида янада қизиқарли воқеа содир бўлади. «Aerona Champior» самолётининг эгаси ва учувчиси нима иш биландир қўйилмади юрган эди. Кутилмаганда самолётнинг парраги ҳаракатга келиб, айлана бошлади, самолёт йўлга бўйлаб юра бошлади ва... учиб кетди! Боёқиш эгаси эса оғзини очиб қолаверди. Хайриятки, бу гаройиб воқеа тинч яқин топди. Самолёт 20 миляга яқин масофани босиб ўтган, ёқилгисини тугаб, шаҳар четига қулаб тушди.



Самолётнинг ўз-ўзидан ўчиб кетиши кўйида ҳикоя қилинадиган янада гаройиб воқеа олдида ҳеч гап эмас. Гап шундаки, Америкада одам боласининг иштирокисиз ракетадан ўчиб кетган. 2000 йилнинг 8 декабрида Флорида штатидаги Бартоу шаҳри аэропортда кутилмаганда ер остидан ракета кўтарилди бошлаган, пишиқиб 30 метрча ҳаракатланган, деворга бориб урилган. Аэропорт атрофидаги одамлар бошқа ерга қўчирилган эди. Воқеа содир бўлган жойга етиб келган мутахассислар ракетани текшириб кўргач, кўз олдиларида каллакисиз ўқув ракетаси турганини қайд қилдилар. Чамаси, бу ракета (аэропорт ўрнида АҚШ ҳарбий ҳаво кўчларининг базаси бўлган эди) иккинчи жаҳон урушидан бунён ер остиди этган эди. Воқеанин эртаси қуни аэропорт атрофини текшириб чиққан полиция бошқа ҳеч қандай ракета-ни топа олмади.

1970 йилнинг 2 февралда «F-106» қирувчи самолётининг учувчиси ўқув-машқ учини пайтида ноҳоқ кабинада ўзидан бошқа яна кимдир борлигини пайқаб қолади. Орқасига ўтирилиб, Америка учувчиси кийимидидаги ярим шаффоф қиёфани кўради. Шу пайт самолёт бирданига паства қараб шўнгиб кетди. Самолёт анча баландда бўлгани учун учувчи қийинчиликсиз уни горизонтал ҳолатга келтириб олади. Кейинги лаҳзада эса ўз-ўзидан катапулта ишлаб кетди. Аммо учувчиси қолган самолёт яна ярим соатгача горизонтал ҳолатда учини давом эттириб, Монтана штатидаги Биг-Сэнди шахрига эсон-омон қўнади. Қўшни шу қадар усталик билан амалга оширилган эдики, самолётни таъмирлашга ҳам ҳожат қолмади. Техника кўригиди ҳам самолётда ҳеч қандай қусур топилмади. Самолёт яна ушбу бошлайди. Эндиликда ушбу самолёт АҚШ ҳарбий ҳаво кўчларига қарашли Миллий музейга қўйилган.

(Давоми бор) Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

Агар сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса, ҳеч иккиланмай Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларидаги «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилинг. Адлия идораларининг мутахассислари сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!

Table with 2 columns: Region/Department and Phone Number. Includes entries for Uzbekistan, Qoraqalpog'iston, Toshkent, Andijon, Bukhoro, Jizzax, Kashkadaryo, Navoiy, Namangan, Samarqand, Surkhondaryo, Sirdaryo, Tashkent, and Fergana.

(Давоми. Бошланиш учинчи бетда)

Мамлакатимизда ҳам гиёҳвандлик балосига қарши катъий кураш олиб борилмоқда.

Аммо бу хотиржамликка берилишга асос бўла олмади, шунинг учун ҳам гиёҳвандликка, уни тарқатишга қарши кураш бир зум ҳам сусайгани йўқ. Айниқса, мамлакатимизга четдан гиёҳвандлик моддаларининг кириб келишига мустаҳкам тўсиқ қўйилганини таъкидлаш жоиз.

Шу ўринда бевосита мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, 1952 йилда туғилган Аюб Абдул Қаҳҳор ўғли Афғонистоннинг Шибиргон вилоятдан. У ҳамотовоқлари билан Амударёга тунда қайиқ тушишди. Қайиққа чиққанида Аюб ўзи билан қоп ҳам олган эди. Бу тунги сайёҳнинг нияти ҳолис бўлмаганини унинг ёнида ўқотар қурол борлигидан ҳам билиш мумкин. Аюб Ўзбекистон чегарасига етиб келганида хушёр чегарачилар қўлига тушди.

Буни қарангки, қайиқдаги қопда 27 килограмм 400 грамм микдордаги гиёҳвандлик моддаси бор экан... Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судининг ҳукмига асосан Жиноят кодексининг бир қатор моддалари билан айбли деб топилган Аюб Абдул Қаҳҳор ўғли тегишли мuddатга озодликдан маҳрум этилди. Шу ўринда «Агар Аюб

мамлакатимизга олиб кирмоқчи бўлган гиёҳвандлик моддаси қўлга тушмаганида нима бўларди?» — деб бир дамгина йўлаб кўрсак, ушбу жиноятнинг нечоғли оғир эканлигига ишонч ҳосил қилимиз. Сабаби, гиёҳвандлик моддасининг зарраси олинди.

Giyohevandlik — asr vabosi



ҳам инсон ҳаёти ва соғлиғига салбий таъсир қилади, шундай экан, нақ 27 килодан ортик оғунинг асоратини кўз олдимизга келтиришнинг ўзи қўрқинчли.

Яхшигелди Жуманазар ўғли ҳам Аюб Абдул Қаҳҳор ўғлининг ҳамюрти. 1973 йилда туғилган бу кимса 35 килограмм 800 грамм «опий»ни олиб, тунда Амударёдан мамлакатимиз чегарасини бузиб ўтмоқчи бўлганида қўлга

олинди. Судда Яхшигелди қилмишдан пушаймонлигини, қарамонда қари онаси, икки нафар укаси, турмуш ўртоғи, воёга етмаган беш нафар фарзанди борлигини айтиб, енгиллик беришни сўради. Аммо у мамлакатимизга олиб кирмоқчи бўлган оғу «истеъ-

булади?! Бу икки ҳамтовоқ ўзаро тил бириктириб, қўшни юртлик шериклари келтирган 38 килограмм «опий» гиёҳвандлик моддасини қабул қилиб олишгаётганда қўлга тушишди. Мутахассисларнинг аниқлашича, Озод Эргашев аллақачон гиёҳвандлик касалига мубтало бўлган экан.

Судда уларнинг жинояти рад этиб бўлмайдиган далиллар билан тасдиқланди. Жиноят кодексига биноан, Озод Эргашев ҳам, Жуманазар Эргашев ҳам қонуний жазога тортилди.

Албатта, шаҳар бедарвоза эмас. Қонун устуворлиги урнатилган юртимизда ноқонуний фаолиятга йўл қўйилмайди, «Қилмишимни ҳеч ким билмайди», дея қалта ўйлаган кимсалар, шубҳасиз, жазога тортилади. Аммо кишини ўйлантирадиган жиҳати шундаки, ўзининг тубан нафсини ўйлаб, оғу тарқатишдай жиноятга қўл урган кимсаларнинг ёнверидидаги кишилар, улар билан бир қишлоқда, маҳаллада яшайтган инсонлар нега сукот сақлашади?!

Ҳа, азиз газетхон, тинч ва осийишта ҳаётимиз ҳар биримизни қувонтиради, албатта, айна чоғда ушбу неъматларнинг қадрига етмоқ учун сергалликни, огоҳликни бир дам ҳам унутмаслигимиз лозим.

Юқоридида номи зикр этилган кимсалар ўзга юртлик, ватандошлик туйғуси уларга бегона-да, дейиш мумкин. Лекин термизлик Озод ва Жуманазар Эргашевларнинг қилмишини қандай оқлаб

булади?! Бу икки ҳамтовоқ ўзаро тил бириктириб, қўшни юртлик шериклари келтирган 38 килограмм «опий» гиёҳвандлик моддасини қабул қилиб олишгаётганда қўлга тушишди.

Мутахассисларнинг аниқлашича, Озод Эргашев аллақачон гиёҳвандлик касалига мубтало бўлган экан. Судда уларнинг жинояти рад этиб бўлмайдиган далиллар билан тасдиқланди.

Судда уларнинг жинояти рад этиб бўлмайдиган далиллар билан тасдиқланди. Жиноят кодексига биноан, Озод Эргашев ҳам, Жуманазар Эргашев ҳам қонуний жазога тортилди.

Албатта, шаҳар бедарвоза эмас. Қонун устуворлиги урнатилган юртимизда ноқонуний фаолиятга йўл қўйилмайди, «Қилмишимни ҳеч ким билмайди», дея қалта ўйлаган кимсалар, шубҳасиз, жазога тортилади.

Аммо кишини ўйлантирадиган жиҳати шундаки, ўзининг тубан нафсини ўйлаб, оғу тарқатишдай жиноятга қўл урган кимсаларнинг ёнверидидаги кишилар, улар билан бир қишлоқда, маҳаллада яшайтган инсонлар нега сукот сақлашади?! Ҳа, азиз газетхон, тинч ва осийишта ҳаётимиз ҳар биримизни қувонтиради, албатта, айна чоғда ушбу неъматларнинг қадрига етмоқ учун сергалликни, огоҳликни бир дам ҳам унутмаслигимиз лозим.

Юқоридида номи зикр этилган кимсалар ўзга юртлик, ватандошлик туйғуси уларга бегона-да, дейиш мумкин. Лекин термизлик Озод ва Жуманазар Эргашевларнинг қилмишини қандай оқлаб

Ҳадица РАҲИМОВА, жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судининг судьяси

Куч — адолатда

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

- Бўритош МУСТАФОЕВ, Олимжон ИСМАИЛОВ, Шерали РАҲМОНОВ, Мавжуда РАҲАБОВА, Нуриддинжон ИСМОИЛОВ, Зарифжон МИРЗАКУЛОВ, Мухаммад АЛИ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Дилбар СУЙОНОВА, Масардин ҲАСАНОВ, Юлчибой ТУРСУНБЕКОВ, Шоноус ҲОЗИЕВ, Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир

- Алибек ЭРГАШЕВ, Саҳифаловчи Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Манзиллими: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1. E-mail: kuch-adolatda@mail.ru. Тел.: 239-02-54, 239-02-55. Бюуртма: Г-218. Қозғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 8865. 2 3 4 5 Топширилди: 22°